**Дополнительное соглашение № 1**

**к договору на отпуск тепловой энергии в горячей воде № 950 от 05.01. 2022 г.**

г. Ташкент 05.01. 2022г

ГУП 'TOSHISSIQQUVVATI', именуемое в дальнейшем 'Поставщик', в лице руководителя Управления 'Теплосбыт' Кадиров Б.Х. действующий на основании Устава с одной стороны и Узбекистон Республикаси Марказийсайлов комиссияси, именуемый в дальнейшем 'Потребитель' с другой стороны, заключили настоящее дополнительное соглашение к договору на отпуск тепловой энергии в горячей воде о следующем:

**1. Предмет соглашения.**

1.1 Руководствуясь Правилами казначейского исполнения Государственного бюджета (зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан от 22.12.2016г. №2850), а также в целях дальнейшего сотрудничества стороны решили внести в договор на отпуск тепловой энергии в горячей воде
№ 950 от 05. 01 2022г.. следующие дополнения:

1.2 Общий объем поставки тепловой энергии на 2022г. по выделенной смете расходов составляет:
**67,48000000 Гкал**

| период | кол-во Гкал | Цена за 1 Гкал | Сумма с НДС |
|---|---|---|---|
| январь | 30,67 | 162997,55 | 4 999 134,86 |
| февраль | 24,540 | 162997,55 | 3 999 959,88 |
| март | 12,270 | 162997,55 | 1 999 979,94 |
| Итого за 2022г.: | 67,48 | | 10 999 074,68 |

**1.3 Общая сумма составляет 10 999 074,68 сум**
**00 тийин**

10 999 074,68 **сум за счет бюджетных средств**
0,00 **сум за счет внебюджетных средств**

**2. Прочие условия.**

2.1. В случае фактического потребления Гкал тепловой энергии в большем количестве,чем оговорено по договору, Потребитель обязуется произвести своевременную оплату по утвержденным тарифам
2.2 Срок действия соглашения: по 31 марта 2022 г.
2.3 Настоящее соглашение с момента заключения становится неотъемлемой частью Договора.

2.4 Все остальные условия залюченного Договора на отпуск тепловой энергии в горячей воде остаются без изменения.

**3. Адреса, банковские реквизиты и подписи сторон**

**"Поставщик"**
**ГУП "TOSHISSIQQUVVATI"**
**Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Фурката, 1**

**Р/с 20210000900118956001**
**Городской филиал АКИБ "Ипотека банк"**
**Код банка 00419**
**ИНН 200899030 ОКЭД 35300**
**Телефон: 245-36-58**

**Кадиров Б.Х.**

**Исполнитель ________ Газиева Х.Х.**

**"Потребитель"**
O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi
Manzil: Toshkent sh., Yashnobod tumani To'ytepa ko'chasi 2-a uy
Tel: 239-81-03 Faks: 239-13-22
INN: 202 647 303 OKONX: 97100 OKED: 84 111
Moliya vazirligi g'aznachiligi ijrosi boshqarmasi
H/r: 2340 2000 3001 0000 1010
Bank: XKKM MB Toshkent shahar BB MFO: 00014
Sh/hv: 100010860262947016105016001

Зам. пред. ______ Мавлонов Б. М.

юрист Каримов

Э-950

# ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

# ШАРТНОМА

Тошкент

**ИССИҚ СУВ ҲОЛИДАГИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА**
**Ш А Р Т Н О М А**

2022 йил "05" 01 950-сонли 9-Т6
(худуд номи)

**"TOSHISSIQQUVVATI" ДУК** *(бундан кейин "Иссиқлик таъминоти корхонаси" деб юритилади)* номидан, Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари ______

Qodirov B бир томондан,
*(фамилия, исми, шарифи)*

Оз Ros. Марказий зоҳидов *(бундан кейин «Истеъмолчи»* Комиссия
*(корхона номи)*

*деб юритилади)* номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари ______

______ иккинчи томондан,
*(фамилия, исми, шарифи)*

қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришни, "Истеъмолчи" эса истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Томонлар уз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 август 2009 йилдаги 245-сонлм карори билан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари" га мувофиқ амал қиладилар.

1.3. Шартноманинг умумий миқдори * 59 530 829.10

______ сўмни ташкил қилади.

Шу жумладан, ______ сум

бюджет маблағларидан, 59 530 829.10 сум

бюджетдан ташқари маблағлардан ______

## II. УЗАТИЛАДИГАН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ.

2.1. "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га 20___й "___" ______ кунидан 20___й "___" ______ кунигача бўлган даврда 0,52 Гкал/соат энг катта иссиқлик юкламаси биноан иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб беришга мажбур, бунда:

а) хоналарни иситишга 0,104 Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати -14 град.С булганда;

б) шамоллатишга - Гкал/с, ташқи мухит ҳарорати ______ град.С бўлганда;

в) иссиқ сув таъминоти учун 0,02 Гкал/с;

г) технологик эҳтиёжлар учун ______ Гкал/с;

2.2. "Истеъмолчи"га иситиш ва шамоллатиш учун "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан бериладиган иссиқлик энергияси миқдори ташқи мухитнинг ҳароратига қараб белгиланади, ишлаб чиқариш ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун эса "Истеъмолчи" томонидан тақдим этилади ва "Иссиқлик таъминоти корхонаси" билан келишилган бир суткалик истеъмол жадвалига асосан белгиланади ва йил чораклари буйича қуйидагича булинади:

***Изоҳ:** *бюджет ташкилотлари сарф-харажатларининг йиллик сметаси тегишли молия идораларида рўйхатдан ўтказилгунича шартнома миқдори ва қиймати бюджет ташкилотларининг вақтинчалик харажатлар сметасига биноан кўрсатилади.*

| Давр | Иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал | | | Жами узатиладиган иссиқлик энергиясининг миқдори Гкал | Бир суткалик узатиладиган иссиқлик энергиянинг миқдори Гкал |
|---|---|---|---|---|---|
| | Технологик эхтиёжлар | Иситиш ва шамоллатиш учун | Иссиқ сув таъминоти | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **I-чорак** | | 116,9775 | 43,2000 | 160,1775 | |
| Январь | | 46,4256 | 14,8800 | 61,3056 | |
| Февраль | | 36,9708 | 13,4400 | 50,4108 | |
| Март | | 33,5812 | 14,8800 | 48,4612 | |
| **II- чорак** | | | 41,2800 | 41,2800 | |
| Апрель | | | 12,0000 | 12,0000 | |
| Май | | | 14,8800 | 14,8800 | |
| Июнь | | | 14,4000 | 14,4000 | |
| **III- чорак** | | | 41,7600 | 41,7600 | |
| Июль | | | 14,8800 | 14,8800 | |
| Август | | | 14,8800 | 14,8800 | |
| Сентябрь | | | 12,0000 | 12,0000 | |
| **IV- чорак** | | 77,8477 | 44,1600 | 122,0077 | |
| Октябрь | | | 14,8800 | 14,8800 | |
| Ноябрь | | 36,9158 | 14,4000 | 51,3158 | |
| Декабрь | | 40,9319 | 14,8800 | 55,8119 | |
| **Жами:** | | 194,8253 | 170,4000 | 365,2253 | |

2.3. Ҳарорат жадвалига мувофиқ фарқ қилиши ± 3% дан куп булмаган ташқи хаво ҳароратига нисбаган иссиқлик манбалари коллекторларидан берилаётган тармоқ сувининг уртача суткалик ҳароратини ушлаб туриш; Т.с.ип график 150° - 70°С

2.4. “Истеъмолчи” куйидагиларга риоя этади:

а)тармоқ суви сарфининг ҳисоблаб чиқилган миқдори 3,305 м³/соатдан ошмаслиги;

б)иссиқлик тармоғидан олинадиган сувнинг энг катта миқдори 3,776 м³/соат,

в)тармоқдан сизиб чиқадиган(йўқотиладиган) сувнинг меъёри 0,0042 м³/соатдан кўп бўлмаслиги;

г)қайтиш тармоғидаги сувнинг уртача суткалик ҳарорати жадвалидаги миқдорга нисбатан 3°С дан юқори булмаслиги.

Тармоқдан олинадиган сувнинг энг катта миқдори “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан ростлагич (регулятор) ёки сурилма қопқоқ ёрдамида белгиланади. Элеватордаги торайтирувчи қурилмаларни алмаштириш “Иссиқлик таъминоти корхонаси” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2.5. "Истеъмолчи"нинг қайтиш магистраль тармоғидаги сув босими, махаллий тизимни тўлик тўлдирилишини таъминлаши лозим, акс ҳолда “Истеъмолчи” иссиқлик кирувчи қувурда ростлагич (регулятор) ўрнатади.

## III.ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун туловларни амалга оширишнинг ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.2. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган иссиқлик энергияси миқ-дори ____________ да
*(урнатилган жойи)*

урнатилган ҳисобга олиш приборларининг СВТУ-10М № 20288
*(ҳисоблагич тури,номи,рақами)*

курсатгичлари бўйича аниқланади.

3.3. “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг объектларида урнатиладиган иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи” томонидан сотиб олинади ва урнатилади. “Ўзстандарт” агентлигида аттестациядан утказилганидан кейин шартнома асосида “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг хизмат курсатишига утказилади.

“Истеъмолчи”да урнатилган ҳисобга олиш приборлари “Истеъмолчи”нинг узи томонидан эксплуатация қилинади ва таъмирланади.

3.4. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан хизмат курсатиладиган ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тухташидан олдинги охирги 15 сутка учун уртача суткалик сарф буйича амалга оширилади. “Истеъмолчи”нинг балансидаги иссиқликни ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш учун 15 суткагача булган муддатга тухтатилганда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар приборлар тухташидан олдинги охирги 15 сутка учун уртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан куп бўлган муддатга тухтатилганда эса – ҳисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиқлик энергиясини узатиш соатлари сони буйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол қилишни тухтатиб туришга ҳақлидир. , бу ҳолда “Иссиқлик таъминоти корхонаси” беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу ҳақда биргаликда далолатнома тузади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари булиниш чегарасида урнатилмаган тақдирда, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар булиниш чегарасидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача булган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йуқотишларнинг ҳисоб-китоби “Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш учун иссиқлик юкламаларини, ёқилғи,электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини, ҳамда технологик йуқотишлар меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг ҳисоб-китоби “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йуқотишлари “Истеъмолчи” томонидан шартномавий нархлар буйича тўланади:

иссиқлик тармоқларининг гидравлик ва ҳароратли синовлари утказилиши билан боғлиқ йуқотишлар урнини тўлдириш;

“Истеъмолчи” тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тулдириш, аварияли вазиятлар ҳам шу жумлага киради;

“Истеъмолчи”дан кайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд булган) орқага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

3.7. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиқлик энергияси йуқотишлари учун “Истеъмолчи” томонидан ҳақ туланмайди.

3.8. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ва “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиқлик энергияси етказиб бериш бўйича барча ҳаражатлар ва унинг йуқотишлари тарифларда ҳисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортиқча қўшимча ҳақ туланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиқлик энергиясининг барча ҳаражатлари ва йуқотишлари “Истеъмолчи”нинг ҳисобига тегишли бўлади. Агар иссиқ сув “Истеъмолчи”нинг иссиқлик тармоқлари орқали узатилса, иссиқлик энергияси миқдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари буйича аниқланади.

3.10. “Истеъмолчи” ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади ва ҳар ойнинг___________санасигача истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисоботни “Иссиқлик таъминоти корхонаси”га тақдим этади.

“Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси ҳақида”ги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан белгиланган муддатда тақдим этилмаса, “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ҳисоб-китобни шартномадаги иссиқлик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол қилинган иссиқлик энергияси миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, соз ҳолатдаги ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади.

Иссиқлик энергияси ҳақидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилганидан сўнг “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблагичларнинг

курсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади.ҳисобга олиш приборлари нинг курсатгичлари тақдим этилган булса, улар буйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси" истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун хисоб-китобни урнатилган шакл (5-Илова) буйича амалга оширади Ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб "Истеъмолчи"га топширади.

Шу билан бир вақтда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ҳисоб-варақасига асосан хизмат курсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олиши учун ҳисобот ойига ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган қиймат буйича тулов талабномасини тақдим этади.

Истеъмолчи хар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг ___30___ фоиз
*(фоизи курсатилсин)*

миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда "Истеъмолчи" бир хафта муддатда бу ҳақда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи" ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловини белгиланган муддатда тулашдан озод қилмайди.

3.12. Узатилган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" Иссиқлик таъминоти корхонаси"га 1 Гкал учун___152957 55___сўм тарифи буйича тулайди.
*(нархи)*

3.13. Тулиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг курсаткичлари бўйича аниқланди. Чеклаш вақти "Иссиқлик таъминоти корхонаси" диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эхтиёжларига иссиқлик энергияси тулиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинга 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг уртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тулиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланди.

3.14. Хисобга олиш приборлари курсаткичларининг нотуғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини хисоблашда хатоларга йўл қуйилганлиги тасдиқланган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" охирги хисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, кайта хисоб-китоб қилишга мажбур.

Йул қўйилган хатолар бўйича хисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов хужжатини ёзишда хисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40° – 45 °С хароратдаги иссиқлик энергияси учун хисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф буйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб хисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюртмасига кўра "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан холда амалга оширилади.

## IV.ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1.1. "Истеъмолчи"нинг хуқуқлари:

а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;

б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қуймаслик;

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиқлик берувчи қувурда сув харорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (+);

иссиқлик берувчи қувурда сувнинг босими буйича – 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл қуймаслик. Бунда параметрлар уртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) “Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш” қоидаларига талабларига мувофик узининг иссиқлик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиқлик энергиясининг шартномавий параметрлари “Иссиқлик таъминоти корхонаси” нинг иссиклик энергияси истеъмолини тухтатиш Ушбу холда “ Иссиқлик таъминоти корхонаси” қонун хужжатларида белгиланган тартибда “Истеъмолчи” олдида жавоб беради.

4.2. “Истеъмолчи”нинг мажбуриятлари:

а) “Табиатни муҳофаза қилиш туғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш туғрисида”ги Узб.Респ. қонунларига, “Иссиқлик фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш қоидалари”га, “Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари”га хамда “Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га қатъий риоя қилиш;

б) иссиқлик энергияси учун иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган муддатларда хақ тулаш;

в) “Иссиқлик таъминоти корхонаси” билан келишмасдан иссиқлик энергияси бир соатлик юкламаларнинг шартномавий миқдорини оширмаслик хамда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш буйича тузилган шартномага мувофиқ иссиқлик истеъмоли режимига риоя қилиш ва тармоқ сувининг олиниши миқдорини оширмаслик;

г) иссиқлик истеъмоли режимига нисбатан “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг тезкор кўрсатмаларини бажариш;

д) тармоқ сувини иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда ва тегишли ҳароратда қайтариш;

е) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари, иссиқликни хисобга олиш приборлари, қувурлар изоляцияси ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналарни техник жихатдан соз холатда сақлаш;

ж) иссиқлик энергияси истеъмолини вақтинча тухтатиш билан боғлиқ булган таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини “Иссиқлик таъминоти корхонаси” билан келишиш;

з) хисобга олиш приборлари, иссиқ сувни тукиш учун жумраклар, торайтирувчи қурилмалар ва арматурани “Иссиқлик таъминоти корхона”си нинг вакили билан биргаликда пломбалаш, урнатилган пломбаларнинг сақланишини таъминлаш Пломбаларни олиш “Иссиқлик таъминотини корхонаси”нинг рухсати билан амалга оширилиши лозим;

и) “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг вакилларини иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборларини сутканинг исталган вақтида тусқинликсиз куздан кечришини таъминлаш;

к) иссиқлик энергиясидан ноoқилона ва исрофгарчилик билан фойдаланилишига йул қуймаслик;

л) иссиқлик тармоқлари устида иморатлар қурилишига, материаллар тахланишига, дарахтлар утказилишига йул қуймаслик;

м) “Иссиқлик таъминоти корхонаси” билан келишмасдан иссиқлик тармоқларини, мухандислик ускуналарини ва қурилмаларини қайта жихозлашга йул қуймаслик;

н) иситиш приборларининг қушимча секциялари, беркитиш ва бошқариш арматуралари урнатилишига ва чиқариб олинишига йул қўймаслик;

о) иситиш тизимларида иссиқлик тармоқларидан бошқа мақсадларда фойдаланишига (иситиш тизимлари ва приборларидан сув оқизилишига) йул қуймаслик;

п) “Истеъмолчи” “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг балансида турган иссиқлик тармоқларида, олдиндан келишилган холда амалга ошириладиган таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг вакилларини уз худудига киритиши лозим;

р) барча иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларининг ижро чизмалари ва паспортларига ҳамда эксплуатация қилиш йуриқномаларига эга булиш;

с) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқларига тайёргарлик кўрган ходимлар томонидан хизмат курсатилишини таъминлаш;

т) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (бажариладиган ишлар) бирлигига, иссиқлик энергияси сарфининг меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

4.3. “Иссиққлик таъминоти корхонасининг “ хуқуқлари.

4.3.1. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” куйидаги холларда “Истеъмолчи”ни огохлантириб, унга иссиқлик энергияси етказиб беришни тулик ёки қисман тухтатиш хуқуқига эга;

а) иссиқлик энергияси учун тулов хужжатида белгиланган муддатларда хақ туланмаганда ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгиланган миқдорда олдиндан тулов амалга оширилмаганда;

б) субистеъмолчилар, янги иссиқликдан фойдаланувчи курилмалар ва иссиқлик тармоқлари узбошимчалик билан уланганда;

в) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва исиқлик тармоқлари “Уздавэнергоназорат” ДИ рухсатисиз ишга гушурилганда;

г) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиқлик тармоқлари қисобга олиш приборларидан олдин уланганда;

д) иссиқлик юкламаларининг белгиланган шартномавий миқдорлари ёки тармоқдаги сув срфининг микдори “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг розилигисиз оширилганда;

е) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасида белгинланган бир соатда олинадиган тармоқ сувининг миқдори оширилганда;

ж) тармоқдаги сув ифлосланганда;

з) “Иссиқлик таъминоти корхонаси” вакиллари иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини куришга қуйилмаганда.

4.3.2. Ускуналарни гаъмирлаш бўйича режали ишларни амалга оширишда ёки янги “Истеъмолчи”ларни улашда захира таъминлаш манбаи мавжуд булмаса “Иссиқлик таъминоти корхонаси” “Истеъмолчи”ни узиб қуйиш хуқуқига эгадир.

“Истеъмолчи”ни иссиқлик энергияси етказиб беришнинг тухтатилиши туғрисида огохлантириш иссиқлик энергияси етказиб беришда танаффуснинг аниқ санасини (кунлар ва соатларни) келишиш учун 10 кун олдин амалга оширилади. Агар огохлантиришдан кейин 5 кун муддатда “Истеъмолчи” иссиқлик беришдаги танаффус вақтини келишиб олмаса “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ушбу вақтни мустақил равишда белгилаш хуқуқига эга.

Иссиқлик энергияси беришдаги танаффус, имкони брича, бу хақда узиб қуйишдан камида 24 соат олдин “Истеъмолчи”ни огохлантирган холда, унинг ишдан ташқари вақтида амалга оширилиши керак.

4.3.3. Авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш учун “иссиқлик таъминоти корхонаси”, узиб қуйиш сабабларини дарҳол маълум қилган ҳолда, “Истеъмолчи”га иссиқлик энергияси етказиб беришни тўхтатиб қуйиш хуқуқига эга.

4.4. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” қуйидагиларга мажбур;

а) шартномага мувофиқ “Истеъмолчи”га иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) “Истеъмолчи”да “Исссиқлик таъминоти корхонаси”нинг объектида ўрнатилган иссиқлик энергиясини хисобга олиш приборлари курсаткичларининг туғрилиги бўйича шубҳа туғиладиган булса, “Иссиқлик таъминоти корхонаси”, белгиланган тартибда, сутканинг исталган вақтида “Истеъмолчи” вакилларини иссиқлик энергиясини қисобга олиш приборларини куздан кечиришини таъминлаши лозим;

в) исиқлик тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараларида иссиқ сув параметрларининг шартномага мувофиқ булишини таъминлаш, уларнинг;

иссиқлик берувчи қувурида сув харорати буйича 3 фоиздан ортиқ (+- );

сув босими буйича:

иссиқлик берувчи қувурда – 20 кПа дан ортиқ (+-) четга чиқишига йўл қуймаслик. Бунда параметралр ўртача суткалик миқдори сифатида ҳисобга олинади;

г) “Иссиқлик таъминоти корхонаси”нинг айби билан тулиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергияси қийматини қоплаш Тулиқ етказиб берилмаган энергия хажми “Истеъмолчи” нинг вакили иштирокида “Иссиқлик таъминоти корхонаси” томонидан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади;

д) “Истеъмолчи”нинг иссиқлик энергияси тулиқ етказиб берилмаганлиги, иссиқлик элтувчи параметралрини шартномадаги қийматларига нисбатан пасайганлиги туғрисидаги ёзма ариззаларини 10 кун муддатда куриб чиқиш;

е) иссиқлик тармоқларининг гидравлик хисоб-китобига мувофиқ “Истеъмолчи”нинг иссиқлик боғламлари учун торайтирувчи қурилмаларнинг улчами (размер служаюшего устройства) белгилаб берилади.

## V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРИЛМАГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Иссиқлик энергияси билан таъминлашда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилмаган моддий зарарни қоплайди.

5.2. Иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиқлик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг асосий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясининг сифати буйича стандартлар, техник шартлар, қонун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув холидаги иссиклик энергиясини истеъмол килиш хамда уларнинг хақини тулашни рад этиб, "Иссиқлик таъминоти корхонаси"дан сифати лозим даражада булмаган иссик сув холидаги иссиклик энергияси кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга хақлидир.

Жаримани ундириш туғрисидаги тулов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув холидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ун кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тулов талабномаси белгиланган ун кунлик муддатни бузган холда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув холидаги иссиқлик энергияси хақини уз вақтида туламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиклик таъминоти корхонаси"га утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши ва амал қилиш муддатининг тугаши, "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли куринишдаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол килинган иссиқлик энергияси учун карзларни тулаш мажбуриятидан озод килмайди.

5.6. Иссиқлик истеъмоли объектларининг иссиқлик тармоқларини холати ва уларга хизмат курсатилиши буйича жавобгарлик чегаралари "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" уртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланс буйича мансублиги булиниши ва уларни эксплуатация килиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари далолатномаси билан белгиланади (1 илова).

5.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси" иситиш тизими еқилганида сув айланиши ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир кувурдан бошқасига утказилиши билан боғлиқ булган холда тармоқ суви сифатининг (шаффофлиги, ранги, хиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар булмайди.

5.8. Иссиклик энергияси тармоқларига узбошимчалик билан уланиш ехуд улардан фойдаланиш коидаларини бошқача тарзда бузиш, иссиклик энергияси, иссиқ сувни хисобга олиш асбобларига касддан шикаст етказиш ёхуд бундай хисобга олиш асбобларининг курсаткичларини узгартириш максадида уларга ташқаридан аралашиш Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қулланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган холда содир этилган булса, Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $185^2$ -моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

## VI. ФОРС –МАЖОР

6.1. Томонлар куйидаги холатларда иссик сув холидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилишни тухтатиш ёки камайтиришга хақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар.

а) "Иссиклик таъминоти корхонаси" ускуналарининг ишдан чикишига сабаб булган табиий ходисалар: момақалдироқ, бурон, сув тошқини, зилзила, ёнгин, 48 соатдан ортик вақт мобайнида ушбу худудда иситишни лойихалаштириш учун хисоблаб чикилган хароратдан 3°Сга ва ундан ортик

паст булган хароратда хавонинг узоқ вақт совиб кетиши, бошланғич сув сифатининг ёмонланиши холатларида;

б) енгиб булмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ булмаган табиат ходисалари (зилзила, кучки, бурон, курғоқчилик ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бермайдиган фавкулотда, олдини олиб булмайдиган ва кутилмаган холатларда;

6.21. “Иссиқлик таъминоти корхонаси” тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишларини утказиш билан боғлиқ кечиктириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур булганда “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дархол хабардор қилган холда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қуйишга) ёки чеклашга йул қуйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида курсатилган холатлар томонлар ўз мажбуриятларини бажариш муддатларига бевосита таъсир кўрсатган булса, ушбу муддатлар форс-мажор холатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома тамонлар имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 01.01 20 22 йилдан, 31.12 20 22 йилгача амал қилади.

Амал қилиш муддати тугашидан олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани узгартириш тўғрисида ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, хар йили узайтирилган хисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилади, улардан биттаси “Иссиқлик таъминоти корхонаси”да, иккинчиси эса “Истеъмолчи”да сақланади.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имконияти булмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий ва Фуқаролик суди томонидан хал қилинади.

## IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмаслик қисми булиб хисобланади:

а) “Иссиқлик таъминоти корхонаси” ва “Истеъмолчи” уртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги бўйича булиниш чегараларини белгилаш далолатномаси (1-илова);

б) “Истеъмолчи”нинг ваколатланган маъсул шахсини тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова);

в) “Истеъмолчи” объектлари ва иссиқлик юкламалари урнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маълумотнома (3-илова);

г) “Истеъмолчи” ташқи иссиқлик таъминотининг принципиал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва хисобга олиш асбоблари ўрнатилган жойлар курсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг харорат жадвали.

***ИЗОХ;*** *Бюджет ташкилотлари учун шартноманинг7 1-банди 1 хат боши қуйидаги тахрирда баён этилсин: “Мазкур Шартнома 20_____йилнинг 31 декабргача амал қилади”.*

## Х. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «ТАЪМИНОТЧИ» |
|---|
| “TOSHISSIQQUVVATI” ДУК |
| Почта манзили: Тошкент шахар |
| Фуркат кучаси 1 а. |
| Хисоб рақами 20210000900118956001 |
| “Ипотека Банк” АТИБ ТШФ Амалиёт Бошқармаси |
| Банк коди (МФО) 00419 |
| СТИР (ИНН) 200899030 |
| Корхонанинг кодлари: |
| 1. КТУТ (ОКПО)бўйича корхонанинг коди 16385634 |
| 2. МХОБТ (СОАТО) буйича урнашган жойи коди 1726277 |
| 3. МШТ (КФС) буйича мулк шакли коди 135 |
| 4. ТХШТ (КОПФ) буйича ташкилий-хукукий шакли коди 1200 |
| 5. ИФУТ (ОКЭД) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди 35300 |
| 6. тел/факс 227-00-35 |
| Имзо |
| Мухр урни |

| “ИСТЕЪМОЛЧИ” To'y tepa 2a |
|---|
| Почта манзили: |
| |
| Ҳисоб рақами: [illegible] |
| Банк коди (МФО) 00014 |
| СТИР (ИНН) 202648303 6001 |
| Корхонанинг кодлари: |
| 1. КТУТ (ОКПО)бўйича корхонанинг коди |
| 2. МХОБТ (СОАТО) буйича урнашган жойи коди |
| 3. МШТ (КФС) бўйича мулк шакли коди |
| 4. ТХШТ (КОПФ) бўйича ташкилий-хукукий шакли коди |
| 5. ИФУТ (ОКЭД) бўйича асосий иш фаолиятининг тури коди |
| 6. Вазирлик (муассаса) номи: |
| 7. Тармокларнинг номи |
| 8. Жорий вақтдаги тарифлар сўм |
| 9. Истеъмолчининг тариф гурухи гурух. Бюджет маблағларига хисобидан молиялланувчи ташкилотлар томонидан тўлдирилиши лозим”. |
| 10. Ғаз/хр[1] |
| 11. ш/ хр[2] 33-177-77-34 |
| 12. ш/ хр[3] |
| 13. Ғазначилик бўлимлари номи<br>14. тел/факс<br>**Изох:** *Томонлар ушбу бандда курсатилган (корхонанинг номи, манзили, хисоб рақами ва хоказо) маълумотларга узгартиришлар киритилганлиги хақида уз вақтида огохлантиришга мажбурдирлар.*<br>Имзо ____________<br>Мухр ўрни |

**Изох** Ғаз/хр[1] - тегишли Ғазначилик хисоби курсатилади

ш/ хр[2] бюджет маблағлари олувчининг Ғазначилик бўлинмаларида очилаган тегишли шахсий рақами (ёки шахсий рақамлари) курсатилади.

Ҳуқуқшуносхулоса________________________________

________________________________

________________________________

________________ юр. отд ________________

(имзо) (Ф.И.Ш)

ОПР УТС

Чеп СМиС

*Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда*
*Етказиб бериш шартномасига*
*1-илова*

**“Истеъмолчи” ва “Иссиқлик таъминоти корхонаси” уртасида иссиқлик тармоқларининг балансга мансублиги буйича бўлиниш чегарасини белгилаш**

**Д А Л О Л А Т Н О М А С И**

20____йил “______” ___________ 950-сон Тошкент шахри

Биз қуйида имзл чекувчилар “Иссиқлик таъминоти корхонаси” вакили _________________
9-TB Sodiqov. X.A ва «Истеъмолчи» вакили
*(корхона номи, фамилия, исми,шарифи)*
«Истеъмолчи» объектларидаги Ds Res. MSK иссиқлик таъминоти тизимлари хазмат
*(истеъмолчининг объекти номи)*
Курсатишнинг бўлиниш чегарасидир, бўлиниш чегарасидаги епиш арматуралари “Истеъмолчи” тасарруфида бўлиб, унинг ходимлари томонидан хизмат кўрсаткичлади.

| Т/р | Объектнинг манзили | Объектнинг манзил рақами | Жавобгарлик ва хизмат кўрсатишнинг булиниш чегараси |
|---|---|---|---|
| | TSU | | |
| | Tay Tepa | 29 | Bino poydevori |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Иссикли таъминоти тизимларига иссиклик ташувчи йўналишида __________________гача
*(задвижка рақами)*

“Иссиклик таъминоти корхонаси” томонидан хизмат курсатилади, ундан кейин эса “Истеъмолчи” томонидан хизмат курсатилади ва таъмирланади.

**“Иссиқлик таъминоти корхонаси”**
**Туман бошқармаси бошлиғи**

Sodiqov X.A __________________
*(Ф.И.Ш)* *(имзо)*

9 «TOSHISSIQQUVVATI» DAVLAT UNITAR KORXONASI YASHNOBOD TUMAN BOSHQARMASI

**“Истеъмолчи”нинг ходими**

__________________ __________________
*(Ф.И.Ш)* *(имзо)*

MTO

*Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда*
*Етказиб бериш шартномасига*
*2-илова*

**“Истеъмолчи”нинг ваколатланган маъсул шахси тайинланганлиги тўғрисидаги**
**И Ш О Н Ч Н О М А**

2022 йил “05” 01 950-сон Тошкент шахри

“Истеъмолчи” Ōz. Res. Markaziy saylov komissiyasi
*(корхона номи)*

Ўзининг 20_____ йил ”____” ________даги ________-сонли буйруғи билан “Иссиқлик таъминоти корхонаси” билан алоқа қилиш ва иссиқлик энергиясини узатиш ва узатишни тухтатиш билан боғлиқ булган турли хилдаги масалаларни келишиш учун ваколатланган маъсул шахс этиб ________________________________ни тайинлайди.
*(жавобгар шахснинг Ф И.Ш)*

Ваколатланган шахс билан алоқа қилиш учун ваколатланган шахснинг манзили ва телефони ________________________________

**“Истеъмолчи” нинг рахбари** B.Kuchkorov
X. Mamatov
*(Ф.И.Ш)* *(имзо)*
М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | |

**“Иссиқлик таъминоти корхонаси”**
**туман бошқармаси бошлиғи**______________________________ ____________
*(Ф.И.Ш)* *(Имзо)*

**“Истеъмолчи”нинг ходими**______________________________ ____________
*(Ф.И.Ш)* *(Имзо)*

*Иссиқлик энергиясини иссиқ сувда*
*Етказиб бериш шартномасига*
*2-илова*

**Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича**
**ҲИСОБОТ**

20______ йил _____________ой учун

Кўрсаткичдан олинган кун 20_____йил "_____"_______________

| Т/р | Хисоблагич тур (хисоблагич номи тури завод рақами) | Тармокка узатилаётган сувнинг сарфи тн. | Тармокдан қайтаётган сувнинг сарфи тн. | Тармокка узатилаётган сувнинг харорати t | Тармокдан қайтаётган сувнинг харорати t | Бирламчи (исходной) сувнинг харорати t | Иситишга ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал | Иссиқ сув таъминоти учун ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал | Жами ишлатилган иссиқлик энергияси Г кал |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**“Истеъмолчи” объектлари ва истеъмол юкламалир ўрганиш жойлари (дислокация) тўғрисида**
**М А Ъ Л У М О Т Н О М А**

2022 йил “05” 01 950-сон Тошкент шахри

**“Истеъмолчи”** Ozbekiston Respublikasi markaziy saylov komissiyasi
( корхонанинг тўлиқ номи)



| Т/р | Объектнинг номи ва асосий мақсади | Объектнинг манзил рақами | Объектнинг иссиқлик киритувчининг рақами | Юклама, Гкал/соат | | | | Иш соталар сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ТЭЦ | | | Х/к иситиш | Х/к шамоллат. | Иссик сув аъминоти | Тех нологик | Шамоллатиш иши | ИСТ | Технология | Ташқи хажм кв.м |
| | | | | | | | | | | | |
| | Tōy tepa | 2а | | 0,104 | – | 0,02 | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |



Объектлар сони______________
“Иссиқлик таъминоти корхонаси”
Туман бошлиғи бошқармаси
Sodiqov X.A
(Ф.И.Ш) (Имзо)

TOSHISSIQQUVVAT DAVLAT UNITAR KORXONASI YASHNOBOD TUMAN BOSHQARMASI

“Истеъмолчи”нинг бўлим бошлиғи
(Ф.И.Ш) (Имзо)

“Истеъмолчи”нинг иссиқлик юкламалари лойиҳасига мос
(Ф.И.Ш) (Имзо)

“Субистеъмолчи”нинг ходими
(Ф.И.Ш) (Имзо)

***Изоҳ:*** *“Истеъмолчи”нинг битта объектида бир нечта иссиқлик киритгичи булса, уларнинг Руйхати алоҳида-алоҳида, объект бўйича юкламаларнинг якуний натижалари билан берилади.*